

Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида
энг яхши таклифларни танлаш юзасидан жойлаштирилган 04.11.2022 йилги
лот №22110012168988 рақамли танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон натижаси
бўйича

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ
(ИСИТИШ, ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА)

14 ноябрь 2022 йил

68988/2022 -сон

Бешкент ш.

Қарши шаҳар "GRAND-NEW STROY" МСНЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар А.Мамадиев бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Қарши туман Халқ таълими бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи М.Юсупова иккинчи томондан, Қарши шаҳар "Reforma E`zoz" МЧЖ томонидан тайёрланган (10.10.2022 йилги №64592 сонли жамланма экспертиза хулосаси билан тасдиқланган) лойиха смета хужжатларига асосан, Қарши туман 13-сон умумтаълим мактаби биносининг иситиш тизими жорий таъмирлашга (смета хужжатларида назарда тутилган ишлар ҳажми миқдоридан) доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

«ижро хужжатлари»: — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

«қурилиш майдони»: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

«вақтинчалик ишлар»: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

«беркитилган ишлар»: — сифати ва яқинлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ: **Қарши тумани 13 сон умумтаълим мактаби биноси иситиш тизими жорий таъмирлаш** мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ички йўллар жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган электрон танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг электрон шаклланган қарори (**2022 йил 4 ноябрдаги электрон баённома**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **36 800 000.00 (Ўттиз олти миллион саккиз юз минг) сўми** ташкил этади. Шундан ҚҚС: 4 800 000 (Тўрт миллион саккиз юз минг сўм) сўм. Жорий таъмирлаш ишлари қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда; ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

4. Жорий таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун;

— барча ишларни мазкур шартномада ҳамда ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;

— йўл қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

— буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

— йўл қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари,

транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш; қурилиш майдонини кўриқланишини таъминлаш; қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

8. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

— ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

— молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

— мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

9. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

11. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **45 (қирқ беш) кунни** ташкил этади.

12. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

13. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдориди, аванс ўтказди, бу 11 040 000.00 (Ўн бир миллион қирк минг) сўмни ташкил этади.

14. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

15. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 100% гача доирасида амалга оширилади.

16. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг фоизгача миқдориди, амалга оширилади:

17. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодиқий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини — Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

21. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва

жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

27. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

30. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

31. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитилладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

33. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

36. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоратадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини кўриқлаш

38. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга

қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

39. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

Х. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

41. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

42. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

ХI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

43. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

44. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

45. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

ХII. Кафолатлар

47. Пудратчи: — барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

— лойиҳа хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

— ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

— ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни; объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

48. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб қамида бир ой этиб белгиланади.

49. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

51. Буюртмачи: — шартнома кучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

— ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда;

— пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

— пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Пудратчи:— ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

— буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

57. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, ушбу Қонунда, ўзга қонунчилик ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

58. Ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

59. Бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, ишларни, хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан ишлар ва хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Ишлар, хизматлар учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади.

60. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

61. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

62. Ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

Ҳисобварақдан маблағларни асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга асоссиз равишда акцептсиз ҳисобидан чиқарилган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

Етказилган зарарларга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши муносабати билан тараф қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар киради.

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI Коррупцияга қарши курашув шартлари

65. Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон

Республикасининг амалдаги конун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупсия характерига ега бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракацизликларини содир етмайдилар.

66. Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим етиш, уларнинг манзилига хизматларни бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракацизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

67. Томонда ушбу Шартноманинг 6.1-бандидаги талабларни бузиш содир етилганлиги ёки содир етилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупсия билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад етиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда еса – амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади

XVI. Алоҳида шартлар

68. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади. Шартнома тегишли тартибда Ҳазначиликда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга кириб, **31 декабрь 2022 йилгача** амалда бўлади

69. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

70. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

71. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

72. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

73. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni (davlat organi yoki tashkilotning nomi)xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

- pora berishni taklif qilish yoki va'da berish;
- tovlamachilik qilish;
- pora sifatida pul to'lash;
- bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilishiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon (davlat organi yoki takshlotining nomi) xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

- korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni;
- Telegram-kanali (“@xxxxxxxxxx”);
- (davlat organi yoki takshlotining nomi)rasmiyveb-saytidajoylashtirilganshaklyokielektronpochta.

TOMONLAR:

Bajaruvchi:

(F.I.O.)

(imzo)



(davlat organi yoki takshlotining lavozimi)

(F.I.O.)

(imzo)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

UR6788183446

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **13 son maktab isitish tizimi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Qarshi tuman xalq ta’limi tomonidan 08.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qarshi tuman yuridik
markazi
markaz rahbari:**



A.D.ESHIMOV

09.11.2022



Қарши тумани Халқ таълим бўлимининг, Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида 2022 йил 25 октябрь кунда жойлаштирган №22110012168988 лот рақамли (энг яхши таклифларни танлаб олиш) эълонига мувофиқ, Халқ таълими бўлимига қарашли №13 сон умумтаълим мактаби иситиш тизимини жорий таъмирлаш бўйича

Й И Ф И Л И Ш Б А Ё Н И №52809/2022

Электрон танлаш асосида шакллантирилган баённома Қарори юзасидан, танлаш иштирокчилари томонидан эътирозлар қабул қилиш (2 иш кунлик), ёки муҳокама муддати ўтиб, яқуний натижаларни эълон қилиш ва танлаш ғолиби билан шартнома имзолаш юзасидан

Қарши тумани

Б А Ё Н

8 ноябрь 2022 йил

Комиссия раиси

М. Чориева

Комиссия аъзолари

О. Бобоева

Ё. Турсунов

Г. Қувватова

Н. Джабборов

Кун тартибида қуриладиган масала:

1. Қарши тумани Халқ таълим бўлимининг, Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида 2022 йил 25 октябрь кунда жойлаштирган №22110012168988 лот рақамли бошланғич нархи 37,940,000.00 сўмлик, энг яхши таклифларни танлаш эълонига мувофиқ, (Қарши тумани Халқ таълими бўлимига қарашли №13 сон умумтаълим мактаби иситиш тизимини жорий таъмирлаш бўйича), электрон ўтказилган танлаш натижалари юзасидан танлаш иштирокчилари эътирозлари муҳокамаси.

2. Яқуний хулоса асосида танлаш ғолибини маълум қилиш ва ушбу пудрат ташкилоти билан тегишли тартибда шартнома тузиш

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Комиссия раиси **М. Чориева** сўзга чиқиб, Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида №13 сон умумтаълим мактаби иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари бўйича жойлаштирилган (энг яхши таклифларни танлаб олиш) эълони муддати 2022 йилнинг 1 ноябрь кунда яқунланганини айтиб ўтди. Шунингдек 2022 йилнинг 4 ноябрь кунда харид комиссияси котиби томонидан, талабгорлар таклифлари (электрон харид тизими орқали) тўлиқ баҳоланганлигини ва комиссия таркиби овоз бериш натижасига кўра яқуний баллар асосида электрон танлаш баённомаси шакллантирилганлигини яна бир бор маълум қилди.

У ўз сузини давом эттириб, мазкур танлаш жараёнида жами 2 нафар иштирокчи ўз **ПУДРАТ** таклифи билан қатнашиб, овоз бериш натижасига кўра 89.13 балл билан Қарши тумани "GRAND-NEW STROY" МСНЖ танлаш ғолиби бўлганлиги, ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 20.05.2022 йилги №276 сон Қарори асосида ишлаб чиқилган "Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 98-бандига мувофиқ, 2 иш кун, яъни 2022 йилнинг 8 ноябрь (7-8 ноябрь кунлари) санасигача бўлган муддатларда муҳокама қилиш учун ахборот парталида жойлаштирилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан кейин, Халқ таълими бўлими ҳисобчиси О.Бобоева сўз олиб, юқорида қуриладиган №22110012168988 лот рақамли энг яхши таклифларни танлаш эълонига мувофиқ, Қарши тумани Халқ таълими бўлимига қарашли №13 сон умумтаълим мактаби иситиш тизимини жорий таъмирлаш бўйича, ўтган 2 иш кун даврида, танлаш иштирокчилари томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини ва танлаш натижаларидан норозилик ҳолатлари юзага келмаганлигини маълум қилди.

Комиссия аъзолари юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда, танлаш натижасига кўра ғолиб деб топилган Қарши тумани "GRAND-NEW STROY" МСНЖ томонидан таклиф этилган барча танлаш ҳужжатлари, эълонда сўралган талабларга мувофиқлигини инобатга олиб, ушбу ташкилот билан пудрат шартномаси тузишни таклиф қилдилар.

Хайъат аъзоларининг таклифлари, фикр мулоҳазалари ва тавсияларидан келиб чққан ҳолда танлов хайъати томонидан

ҚАРОР КАБУЛ КИЛИНДИ.

1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, электрон баённома расмийлаштирилгандан сўнг, икки иш куни муддатида таялаш иштирокчиларидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб, Қарши туман "GRAND-NEW STROY" МСНҲ, 36800000.00 (ўттиз олти миллион саккиз юз минг) сўмлик пудрат ишлари таклифи билан, энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича танлаш голиби деб тан олинсин ва кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан мазкур ташкилот билан тегишли тартибда пудрат шартномаси имзолансин.
2. Қарши туман "GRAND-NEW STROY" МСНҲ томонидан бажариладиган ишларини сифатли ва ўз муддатнда бажарилишини назорат қилиш, шунингдек тугалланган таъмирлаш объектини қабул қилиб олиш, Халқ таълими бўлими ЭХБ бошлиғи У. Эгамбердиев ва №13 сон мактаб директори зиммасида қолдирилсин.
3. Ушбу йиғилиш баёни қарори ижросини назорат қилиш, Қарши туман ХТБ бош ҳисобчиси А. Хусинов зиммасига юклатилсин
4. Бажарилиши кўзда тутилаётган хизматлар юзасидан, яъни уларнинг сифати, нархи, қабул далолатномалари ва бошқа ҳужжатларнинг ҳаққоний расмийлаштирилиши, танлаш ўтқазилган мезонларига амал қилинганлиги, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаганлиги, маблағларни мақсадли сарфланиши, лойиҳа ҳужжатларининг давлат стандарти даражаси талабларига жавоб бериши, ахборот парталида берилган эълон талабномасининг ҳаққонийлиги, Ҳазначилик бўлимига электрон жўнатиладиган барча турдаги ҳужжатларнинг қонунийлиги ва бошқа ҳолатлар назорати мазкур комиссия аъзолари ва Қарши туман ХТБ раҳбарияти зиммасида қолдирилсин.

Комиссия раиси

Комиссия аъзолари



М. Чориева

О. Бобоева

Е. Турсунов

Г. Қувватова

Н. Джабборов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"GRAND-NEW STROY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning — tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdegi to'liq nomi)

"GRAND-NEW STROY" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkiliy etish (qayta tashkiliy etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

27.01.2020

805916

ro'yxat raqamini yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (soz bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307068645

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumani, Beshkent, MIRMIRON MAHALLASI,

Guvohnoma:

Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):





Yuridik shaxsni tadbirkorlik subyektini qayta ro'yxatdan o'tkazganlik haqida ma'lumotnoma

13.04.2021 vil

| | O'zgarishdan oldin | O'zgarishdan keyin |
|---|-----------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi 307068645, GRAND QIPCHOQ QURILISH | Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi GRAND-NEW STROY |
| 2 | THSh Mas'uliyati cheklangan jamiyat | THSh Без изменений |
| 3 | Faoliyat yuritish manzili Qashqadaryo viloyati, Nishon tumani, Yangi Nishon, shahri, | Faoliyat yuritish manzili Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumani, Beshkent, MIRMIRON MAHALLASI, |
| 4 | IFUT 41202 - Yashash uchun mo'ljallanmagan binolar qurish | IFUT Без изменений |

O'zgarishdan oldingi tasischilar

| | STIR | Nomi / F.I.Sh. | Miqdori | Ulushi |
|---|-----------|-----------------------------------------------|----------------------|-----------|
| 1 | 528621431 | MAMATKULOVA GULNOZA RUSTAMOVNA (AB6945907) | 12 000 000.00 UZS | 100.000 % |
| | | JAMI | 12 000 000.00 UZS | 100.000 % |

O'zgarishdan keyingi tasischilar

| | STIR | Nomi / F.I.Sh. | Miqdori | Ulushi |
|---|-----------|-----------------------------------------------|----------------------|-----------|
| 1 | 528621431 | MAMATKULOVA GULNOZA RUSTAMOVNA (AB6945907) | 12 000 000.00 UZS | 100.000 % |
| | | JAMI | 12 000 000.00 UZS | 100.000 % |

Qarshi tumani, Qarshi tumani, YAGONA DARCHA MARKAZI
Imzo: 352.RUSTAMJON KAMOLOV AKBAROVICH



**«GRAND QIPCHOQ QURILISH» масъулияти чекланган жамиятининг
умумий йиғилиш**

БАЁНИ № 1

13 апрел 2021 йил

Нишон тумани

Йиғилиш раиси:

Маматкулова Гулноза

Катнашдилар:

Мамадиев Аҳмад ва жамият ишчилари

Кун тартибида қуриладиган масала:

«GRAND QIPCHOQ QURILISH» масъулияти чекланган жамиятини номини «GRAND-NEW STROY» деб ўзгартириш ҳақида.

«OSIYO SHARQ QANDOLATI» масъулияти чекланган жамиятини янги тахрирдаги Низомини тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисида.

Йиғилиш раиси Г.Маматкулова юқоридаги масалалар юзасидан сузга чиқиб, «GRAND QIPCHOQ QURILISH» масъулияти чекланган жамиятини 2020 йил 27 январ куни 805916 реестр тартиб рақами билан ташкил қилганлиги ва жамият ташкил бўлган вақтда номи нотўғри қўйилганлиги сабабли жамият номини «GRAND-NEW STROY» деб ўзгартиришни шу билан бирга жамият ўзи раҳбарлик қилишини йиғилишда айтиб ўтди ҳамда жамият Низомини янги тахрирда тайёрлаш, қўшимча иш билан шугулланиш, иш фаолиятини кенгайтириш қўшимча даромад олиш, янги ишчи уринлари яратиш, замонавий қурилаётган уй-жойларни қуриш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, аҳолини истеъмолбоп маҳсулотлар билан таъминлаш, кишлоқ хужалиқ маҳсулотларини экспорт қилиш ҳақида таклифини киритди ва жамиятни қайта рўйхатдан ўтказишни айтди.

Йиғилишда суз олган А.Мамадиев юқорида айтиб ўтилган фикрларни маъқуллади ва жамиятни янги низомини ўқиб эшиттирди, ҳамда жамиятни почта манзилини Қашқадарё вилояти Нишон тумани Янги Нишон шаҳридан Қарши тумани Мирмирон маҳалласи ҳудудига кучиришни билдирди ва қайта рўйхатдан ўтказиш таклифини айтди.

Юқоридаги масалалар овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди,
Қурилган масала юзасидан юқорида баён этилганларга асосан йиғилиш,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «GRAND QIPCHOQ QURILISH» масъулияти чекланган жамияти умумий йиғилишини бошқарган Г.Маматкулованинг таклифи инобағта олинсин.
2. «GRAND QIPCHOQ QURILISH» масъулияти чекланган жамиятининг номи «GRAND-NEW STROY» деб ўзгартирилсин.
3. «GRAND-NEW STROY» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Маматкулова гулноза Рустамовна 12000000 сум улуши билан таъсисчилигича қолдирилсин.
4. «GRAND QIPCHOQ QURILISH» масъулияти чекланган жамияти номига ясагилагн думолок муҳр ва тўрт бурчакли тамғаси номи ўзгаритрилганли сабабли белгиланган тартибда йўқ қилинсин.
5. «GRAND-NEW STROY» масъулияти чекланган жамиятини почта манзили Қашқадарё вилояти Нишон тумани Янги Нишон шаҳридан Қарши тумани Мирмирон маҳалласига ўзгартирилсин ва думолок муҳр ва тўрт бурчакли тамға ясатилсин.
6. «GRAND-NEW STROY» масъулияти чекланган жамиятини таъсис ҳужжатлари қайта рўйхатдан ўтказилсин.

Йиғилиш раиси:-

Катнашди:



Г.Маматкулова

А.Мамадиев

Информация о юридическом лице (По данным регистрирующих и уполномоченных органов)

Общие сведения

| | |
|---------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| ИНН: | 307068645 |
| Регистрирующий орган: | Центр государственных услуг |
| Дата регистрации : | 27.01.2020 |
| Номер регистрации: | 805916 |
| Наименование юридического лица: | "GRAND-NEW STROY" mas'uliyati cheklangan jamiyati |
| Код ОПФ: | 152 - Общество с ограниченной или дополнительной ответственностью |
| Код ОКЭД: | 41202 - Строительство нежилых зданий |
| Код СООГУ: | 79994 - Субъекты предпринимательства, не вошедшие в структуры органов государственного и хозяйственного управления |

| | |
|--------------------------------------------------------|-------------------------|
| Принадлежность к субъектам малого предпринимательства: | Да |
| Состояние активности: | Действующие предприятия |
| Уставный фонд: | 12 000 000,00 UZS |

| | |
|------------------------------------------------|----------------------------|
| Информация о руководителе Имя руководителя: | MAMADIYEV AHMAD ULASHOVICH |
|------------------------------------------------|----------------------------|

| | |
|-----------------------------------|--------|
| 1. Mamatkulova Gulnoza Rustamovna | 100,00 |
| 2. | |
| 3. | |
| 4. | |
| 5. | |

| | |
|--------------------------|------------------------------------------------------------------------|
| Контактные данные | |
| Адрес электронной почты: | gulnoza@umail.uz |
| Контактные телефоны: | 973130476 |
| Код СОАТО: | 1710224596 - Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumani, Mirmiron shaharchasi |
| Улица, тупик, дом: | Mirmiron mahallasi |

Данные актуальны на 14/11/2022